



## CONSIDERATIONS ON THE ARCHAEOLOGICAL AND ETHNOGRAPHIC STUDY OF MOJRUM VILLAGE IN THE FORISH DISTRICT

**Akbar Bababekov**

*Associate Professor*

*Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [abababekov79@gmail.com](mailto:abababekov79@gmail.com)*

**Shukhrat Shonazarov**

*Senior Lecturer*

*Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [sh.b.shonazarov@gmail.com](mailto:sh.b.shonazarov@gmail.com)*

**Dilmurod Normurodov**

*Associate Professor*

*Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [d.r.normurodov@gmail.com](mailto:d.r.normurodov@gmail.com)*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Jizzakh, Forish, Mojrum, mosque, courtyard, dwelling, architecture, juniper, wooden columns, trade route.

**Received:** 14.04.25

**Accepted:** 16.04.25

**Published:** 18.04.25

**Abstract:** The article presents the results of archaeological and ethnographic research conducted on sites located on the left bank of the Mojrumsay stream in the Forish District of Jizzakh Region. Special attention is given to the architectural features of a medieval mosque and its adjoining chambers (hujras), which offer insights into the religious and domestic environment of that historical period. Additionally, the study examines evidence of an ancient trade route that once passed through the Mojrumsay valley, highlighting the historical and strategic significance of the area. The historical and cultural complexes are analyzed from both archaeological and ethnographic perspectives. The authors propose the necessity of comprehensive study, preservation, and future musealization of the identified heritage sites. This research was carried out within the framework of grant project No. ALM-202403110244 titled

“Enhancing the Tourism Potential of the  
Forish District Based on the Harmony of  
Historical Sites and Natural Landscapes”.

## ФОРИШ ТУМАНИ МОЖРУМ ҚИШЛОГИНИ АРХЕОЛОГИК-ЭТНОГРАФИК ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Акбар Бабабеков**

доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [abababekov79@gmail.com](mailto:abababekov79@gmail.com)

**Шуҳрат Шоназаров**

катта ўқитувчи

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [sh.b.shonazarov@gmail.com](mailto:sh.b.shonazarov@gmail.com)

**Дилмурод Нормуродов**

доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [d.r.normurodov@gmail.com](mailto:d.r.normurodov@gmail.com)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Жиззах, Фориш, Можрум, масжид, ховли, турар-жой, меъморчилик, арча, ёғоч устун, савдо йўли.

**Аннотация:** Мақолада Жиззах вилояти Фориш туманидаги Можрумсойнинг чап соҳилида жойлашган арча (Шарқ биотаси) ва ўрта асрларга оид масжид, шунингдек, қишлоқ харобалари тўғрисида маълумот келтирилган. Масжиднинг меъморчилик ечими унга туташ ҳужралар тавсифи баён этилади. Мақолада Можрумсой дарасидан ўтган қадимги савдо йўли ўтганлиги тўғрисида хам малумот келтирилди. Можрумсойда жойлашган ушбу тарихий мажмуулар археологик ва этнографик жиҳатдан таҳлил қилинган. Ушбу мажмуудаги обьектларни келгусида комплекс ўрганиш, сақлаш ва музейлаштириш таклиф қилинган. Мақола АЛМ-202403110244-сонли “Тарихий обьектлар ва табиий масканлар уйғунлиги асосида Фориш тумани туристик салоҳиятини ошириш” мавзусидаги грант доирасида бажарилди.

## НЕКОТОРЫЕ ВЫВОДЫ ПО АРХЕОЛОГО-ЭТНОГРАФИЧЕСКОМУ ИЗУЧЕНИЮ СЕЛО МАДЖРУМ ФАРИШСКОГО РАЙОНА

**Акбар Бабабеков**

*Доцент*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [abababekov79@gmail.com](mailto:abababekov79@gmail.com)*

**Шухрат Шоназаров**

*старший преподаватель*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [sh.b.shonazarov@gmail.com](mailto:sh.b.shonazarov@gmail.com)*

**Дилмурод Нормуродов**

*Доцент*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [d.r.normurodov@gmail.com](mailto:d.r.normurodov@gmail.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Джизак, Фариш, Маджрум, мечеть, поместье, жилище, архитектура, арча, деревянные колонны, торговый путь.

**Аннотация:** В статье приводятся сведения об арче (Восточной биоте) и средневековой мечети, а также руины села, расположенных на левом берегу Мойдумсой в Фаришском районе Джизакской области. Архитектурное решение мечети описывает описание прилегающих к ней помещений. В статье также приводится информация о древнем торговом пути, проходившем через ущелье Маджрумсай. Эти исторические комплексы, расположенные в Маджрумсай, были проанализированы археологически и этнографически. Объекты этого комплекса в дальнейшем предполагается всесторонне изучить, сохранить и музефицировать. Статья выполнена в рамках гранта № АЛМ-202403110244 по теме «Повышение туристического потенциала Форишского района на основе сочетания исторических объектов и природных местообитаний».

### КИРИШ

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги археологик ёдгорликлари, қадимий обидалари энг кўп бўлган давлатлардан биридир. Бундай маданий мерос ёдгорликларини аниqlаш, уларни рўйхатга олиш, илмий тадқиқ қилиш ишлари сал кам150 йилдан бери олиб борилмоқда ва ҳозирда улардан сақланиб қолганлари давлат муҳофазасига олинган. Улар 2019 йилда Ўзбекистоннинг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати”га

киритилган (*ЎзР ВМ Қарори*). Аммо ушбу рўйхатга кирмаган, ўз тадқиқотини кутиб турган турли маданий мерос обьектлари ҳали ўрганилмаган. Бунга Жиззах вилояти Фориш тумани Можрумсойнинг чап соҳилида, Можрум яқинида жойлашган қишлоқ харобалари мажмуасини ҳам киритиш мумкин. Бу харобалар бизнинг фикримизча ҳозирги Можрум қишлоғининг қадимги ўрни ҳисобланади. Можрумсойнинг чап соҳилида 2000–2500 ёшда бўлган қадимий арча (Шарқ биотаси) дарахти ўсади. Ушбу арча тарихи ва унинг атрофидаги табиий-худуд билан боғлиқ этнографик тадқиқотлар олиб борилган (*Bababekov A.D. 2025, - B.125; Ubaydullayeva B.M, Anorqulov S. 2025. –B.120.*). Аммо арчанинг яқинида жойлашган кўхна масжит харобалари ҳам сақланиб қолган. Масjid билан боғлиқ бўлган турар- жойлар харобалари хусусида етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу боисдан 2024 йилнинг 13 октябрида Арча билан боғлиқ худуд кўздан кечирилганда айрим масалаларни ёритиш зарурияти туғилди (1-4 расмлар).

### АСОСИЙ ҚИСМ

Жиззах Давлат педагогика университети география фанлари доктори, профессор Кўчкор Ҳакимовнинг ёзишича, Можарм (лотинча Mojarm)- қадимий қишлоқ номи расмий хужжатларда Можирам шаклида ёзилган, аммо маҳаллий аҳоли эса “Можрум” тарзида талаффуз қилинган (*Ҳакимов Қ.2014. -204 б*). Айрим маълумотларда қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби тожиклар. Қашқадарё (Қамаши, Чироқчи, Гузор) ва Самарқанд (Пахтачи, Нарпай) вилоятларида Можар қишлоқлари қайд қилинган (*Qorayev S. 2006. -320 б*). Номшунос олимларнинг ёзишича, Можар – умумтуркий этноним бўлиб, сарой қабиласи таркибида можарсарой уруғи ҳам бўлганлиги ҳақида қайд этилади (*Нафасов Т, 2009. - 431 б*). Бундан ташқари “Можарм” сўзи қадимий суғд тилига хос ва уни илмий этимологияси номаълум деб изоҳловчилар ҳам бор (*Ҳакимов Қ.2014. -204 б*). Ҳозирги маълумотларга кўра Можрум қишлоғида тожиклар яшайди. Буни қишлоқ худудидаги микротопонимлар ҳам тасдиқлайди. Шу сабабдан, “можар” ва “можарм” сўzlари орасида қандай умумийлик ва тафовутлар борлигини топонимик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Этнографик дала тадқиқотлар жараёнида маҳаллий аҳоли кўпинча қишлоқ номини араб тилидаги “можаро” - тортушув, жанжал, мунозара, баҳс маъносида келтирилиши аниқланди. Шу ўринда, тарихчи Ф.Толипов эса “Қишлоқликлар бундан буён барча можароларга чек қўяйлик- деган маънода, ўз қишлоқларини Можоро-ум деб аташган, кейинчалик атама Можирам тарзида ўзгарган экан” - деган дала ёзув маълумотини келтирган (*Толипов Ф. 2008, 154-б*). Бу этимологияни тўғри деб қабул қилиб бўлмайди. Можрум топонимикасини алоҳида ўрганиш зарурати бор деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, Можрумсой бўйида жойлашган арча улкан бўлиб, унинг ғарб томонида масжид харобалари ва атрофида ярим хароба ҳолатда сақланган турар жойлардан иборат қишлоқ уйлари жойлашган. Маълумотларда ушбу масжид Мулло Султон масжиди номи билан 1900 йилларда қайта бунёд этилганлиги қайд қилинган (*Раҳматуллозода Р.*, 2006. –Б.10.).

Масжид тўғри тўртбурчак шаклидаги тархга эга. Унинг деворлари ёғоч пойдевори устига тикланган. Масжид девори табиий тошдан қўтарилиганини сабабли унинг деворларини қалинлиги турлича ўлчамларга эга. Жумладан, деворларни қалинлиги – 80–90 см, деворнинг энг баланд жойи – 3,2–3,5 м ташқил қиласи. Масжид деворларининг ташки томондан олинган ўлчамлари кўра унинг эни – 10,5x10,5 м, ички томонлари эса – 9,2–9,3 м ташкил этади. Унинг учта кириш эшиги бўлиб, бу эшикларнинг ўртача кенглиги – 0,7 м, бўйи эса – 1 м ташкил этади. Масжиднинг 2 та асосий кириш эшиги шарқий девордан, учинчи кириш эшиги шимолий деворда жойлашган (1-расм). Шарқий девордаги эшикдан бири деворнинг жанубий бурчагидан – 2,35 м, иккинчиси деворнинг шимолий бурчагидан – 2,6 м узоқликда ўрнашган. Шарқий эшикларнинг ҳар бирини тепа қисмида дераза жойлашган. Шимолий девордаги эшик эса, ушбу деворнинг шарқий бурчагидан 1,2 м масофа узоқликда жойлашган. Масжиднинг шимолий деворининг ташки томонида сомонли сувоқ излари сақланган. Масжиднинг ичида, ғарбий деворнинг марказий қисмида эни – 1,4 м, бўйи – 1,85–190 м бўлган меҳроб жойлашган, унинг икки ёнида девордан эни – 0,7 м, бўйи – 1 м бўлган иккита токча чиқарилган. Масжиднинг эшик ва дераза ромлари ёғочдан ясалган. Унинг девори терилаётганда эшик ва деразалар устига ёғоч қўйилган. Масжид шарқ ва шимол томонлари бир текисликдаги “Г” симон шакли супа (олд саҳн) билан туташган. Бу супанинг эни шарқда – 6 м.гача, шимолда – 10 м.гача боради. Афтидан, ушбу супа четлариги юқорида айтилган устунлар ўрнатилган масжиднинг айвони бўлган. Шарқдаги қадимий арча томондан келинганда масжид айвони саҳнига чиқиб-тушиш учун яхлит тошлардан зинапоя қилинган.

Масжид ёнида бўйи – 3,2 м келадиган (диаметри ўртача – 0,6 м) 4 дона бутун ҳолдаги ва яна бир нечта синиб яроқсиз ҳолатга келиб қолган устунлар ва уларнинг устига қўйиладиган “қошлар”нинг синиклари сақланган. Устунларнинг кўринишига (улар 4 та) қараганда улар турли даврларга оид. Устунлардан бирида туширилган ўйма безаклар XV – XVI аср меъморчилик анъаларига тўғри келади. Яна бир жиҳати бу устун бошқа устунларга қараганда анча яхши сақланган. Бошқа устунларнинг ясалиш услуби сўнгги ўрта асрлар даврига тўғри келади. Масалан, мазкур типдаги устун ва қошлар қўшни Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятидаги XIX аср охири – XX аср бошларига оид Сарибаланд масжид устун ва қошлари билан айнан ўхшаш (*Мамадназаров М.*, 2015. –С.282.). Бу

устунлар масжиднинг айвони бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, масжиднинг тузилиш тархи Ўратепа шаҳри яқинидаги XIX асрга оид Семиганч масжид тархига яқин ўхшашликка эга (*Мамадназаров М., 2015. –С.282.*). Ҳатто, у масжид олдида ҳам худди Фориш туманидаги Можрум арчаси (савр – кипарис) сингари арча ўсади.

Масжиднинг ғарб томонида унга туташ қурилган хужра жойлашган. Хужра деворининг қалинлиги – 70 см. Хужра шимолга супа чегарасигача 3,6 м.га чўзилган. Бу хужрага масжиднинг шимолий қисмидаги саҳндан кирилган. Хужра уч хонали бўлиб, барча хоналарга кириш ягона эшик (эни – 75 см) очилган ва хоналарга бир-биридан кириб борилган. Ҳар бир хона алоҳида ажратилган кириш эшикларига эга бўлган. Хужранинг биринчи хонадан иккинчи хонасига кириш эшиги (эни – 75 см) уларни бир-биридан ажратган деворнинг масжид девори билан туташган бурчагида, иккинчи хонадан учинчи хонасига ўтиш эшиги (эни – 70 см) эса аксинча, хужранинг ғарбидаги орқа деворига туташган бурчакда жойлашган.

Можрумдаги тошдан қурилган айвонли эски масжид ва хужра ўз даврида ягона мажмуа бўлган. Масжид ичининг катталиги қўра тахминан 90 – 100 киши номоз ўқиши мумкин бўлган. Шуни ҳам айтиш керакки, масжид деразалари қуёшга қараганлиги учун хона ичидаги ёруғликни етарлича таъминлаган. Бу паст бўйли эшиклардан масжид ичкарисига энгашган ҳолда кириб-чиқилган.

Можрумсойнинг чап соҳилидаги қадимиј арча ва масжид ўрнашган дара бўйлаб ўтган қадимиј йўлнинг излари яққол кўзга ташланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз мумкинки айрим маълумотларга қараганда Фориш тумани қишлоқларида жойлашган археологик манзилгоҳлар (Можрум, Ухум тош қалъалари) ўрта асрлар тарихида қадим Суғдан – Самарқанддан Уструшона орқали то Хитойга йўл олган кўхна карvon йўли милоддан аввалги II асрдан – милодий VIII асргача фаолият юритган қадимиј савдо йўли (Сим йўли) устида жойлашган (*Pardayev M.H., G'ofurov J.I., 2021. –B.89-90.*). Бу Можрумнинг қадимиј савдо йўлидаги қўналғалардан бири бўлиб хизмат қилганлигини англатади. Шунинг учун, Можрум водийсидан ўтган бу йўлни юқорида келтирилган маълумотларга таяниб савдо йўли ўтганлигини эътироф этишимиз мумкин. Ушбу йўлнинг ғарб ва шимолида тоққа томон чўзилиб жойлашган бир нечта кичик-кичик ҳовлилар қолдиғларини кузатамиз. Вайронага айланган бу туар жойлар энг баланд девор қолдиқлари 2 м атрофида сақланган. Аксарият ҳовлилардаги уйлар 3-4 хонадан иборат эканлиги кузатилди. Уй деворларининг тахминий қалинлиги – 0,6-0,7 м.ни, сақланган баландлиги – 1,5 м.гачани ташкил қиласи. Уйлар алоҳида бир эшикдан кириладиган бир хонали меҳмонахона (шартли ном берилмоқда) ва бир эшикдан биринчи хонага, ундан ичкарига иккинчи эшикдан кириладиган икки хонали доимий фойдаланиладиган уйларга

бўлинади. Уларнинг ҳар иккала бўлакларига ҳам шимолий деворидаги эшиклардан кирилган. Мехмонхонанинг бўйи – 7 м.ни, эни – 3,75 м.ни ташкил этади. Унинг кириб-чиқиши эшиги (эни – 0,7 м) хонанинг шимолий деворининг шарқий бурчагида жойлашган. Мехмонхонанинг ғарбидаги икки хонали уйлардан биринчисининг ғарбий девори шарққа томонга йўналганда ичкарига бироз кириб, қисқариб борган. Унинг кириб-чиқиши эшиги шимолий деворининг ўрта қисмида жойлашган (эни – 0,7 м). Бу хонанинг бўйи – 3,4 м, ўртача эни – 4 м.ни ташкил этади. Иккинчи хонага биринчи хонанинг жануби-шарқий бурчагидаги эшикдан (эни – 0,7 м) кирилган. Бу хонанинг бўйи – 2,5 м, эни – 4,3 м.ни ташкил этади. Харобалар ичида ҳудди шу тархли хонадан-хонага ўтадиган уйларни қўплаб учратиш мумкин.

### **Хулоса**

Шундай қилиб, Фориш туманинг чап соҳилида, жойлашган ҳар бир обьект – сой, арча, масжид, хароба ҳовлилар, савдо йўли бир-бири билан боғлиқ бўлиб, умумий тарихий маконни ташкил этган. Бу жойда олиб борилган дастлабки визуал қузатувлар, топилмалар ва хулосалар келгусидаги кенг қамровли археологик ва этнографик тадқиқотлар олиб бориш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли, бундай тадқиқотларни ўтказиш учун тегишли давлат ташкилотлари томонидан амалий ва моддий ёрдам ажратилиши мажмуани тўлақонли илмий ўрганишга шароит яратади. Шунингдек, келгусида ушбу ҳудуддаги айрим обьектларда консервация ва реставрация ишларини олиб бориш ва уларни музейлаштириш мақсадга мувофиқдир.


### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Bababekov A.D. Forish tumani etnografiyasi va etnik tarixi. – Toshkent, 2025. – B. 120.;
2. Pardayev M.H., G‘ofurov J.I. Markaziy Osiyo Buyuk Ipak yo‘li tizimida (Qadim va o‘rta asrlar). – Toshkent: “Lesson press” nashri, 2021. –Б. -89-90.
3. Qorayev S. Toponimika. - Toshkent. 2006. - 320 b.
4. Ubaydullayeva B.M, Anorqulov S.M. Forish tumani turizm salohiyati. Monografiya. – Toshkent, 2025. – 134 b.
5. Мамадназаров М. Памятники зодчества Таджикистана. – М.: Прогресс-Традиция, 2015. -С.282. (-496 с.)
6. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент, 2009. - 431 б.
7. Раҳматуллозода Р. Аждодлар меросига эҳтиром. Рисола. – Тошкент, Фан, 2006. – Б.10. (-17.6)
8. Толипов Ф. Мозийга бўйлашган маскан. – Тошкент, 2008. -154 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 04.10.2019 йилдаги 846-сон карори, “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати” 1-иловаси // <https://lex.uz/uz/docs/4543266>

10. Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. Монография. – Жиззах, “Сангзор” нашриёти. 2014.– 204 б.


### Иловалар





3-расм. Можрум қишлоқ харобасидаги уйларнинг тархи. 1-икки хонали; 2-уч хонали

11.



4-расм. 2500 йиллик ёшга эга Можрум арчаси (Шарқ биотаси)